“BEST PIPE AND PARTS” AJ
2025 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА

МАЪЛУМОТИ

2026 йил

Корхона ҳақида умумий маълумотлар.

“BEST PIPE AND PARTS” AJ акциядорлик жамиятининг устав фонди миқдори 297 000 000 сўмни ёки устав капитали шакллантирилган пайтдаги Марказий банкнинг курси бўйича 2 700 000 АҚШ долларини ташкил этади ва номинал қиймати 1 100 сўм бўлган 270 000 дона эгаси ёзилган оддий акциялардан иборат .

Жамиятнинг акциядорлари:
-“UzAuto Korea Co.Ltd.” - 245 000 дона, 91,74%.
- Гулямов Сарварбек Бахтиёржон ўғли - 25 000 дона, 9,26%.

“BEST PIPE AND PARTS” AJ фаолиятининг предмети “UzAutoMotors” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари учун автомобиллар овоз сўндиргичлари, эшик зарбга қарши тўсинлари, капот тутгичлари ва бошқа штамплаш қисмлари ишлаб чиқариш.

2025 йил учун асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг бажарилиши:

Жамият томонидан 2025-йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми қиёсий нархларда 442 376 млн.сўм бўлиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатлари 112,5 фоизни ташкил қилди ёки 49 468 млн.сўмлик кўпроқ махсулот ишлаб чиқаришга эришилди (2024 йилда – 392 907 млн.сўм).

2024-2025 йиллар учун ишлаб чиқариш динамикаси таҳлили:

Кўрсаткичлар номи	**Ишлаб чиқариш хажми**				**2024 йилга нисбатан Ўсиш суръати %**
	2024 й хақиқат	**2025 йил (комплект)**			
		Режа	**хақиқат**	**Бажари-лиши %**	
Cobalt	161 884	150 000	160 018	106,68	98,85
Gentra	12 018				
Damas	103 069	133 000	107 797	81,05	104,59
Labo	23 579	17 000	37 184	218,73	157,70
Onix	37 631	36 000	33 246	92,35	88,35
Tracker	42 707	40 000	50 157	125,39	117,44
Жами	**380 888**	**376 000**	**388 402**	**103,30**	**101,9**

“BEST PIPE AND PARTS” AJ AЖнинг 2025 йил молиявий кўрсаткичларининг
Бизнес-режага нисбатан бажарилиши.

(млн.сўм)

Номи	2025 йил Бизнес-режа	2025 йил Факт	Фарқи	Бажари-лиши, %
Сотишдан тушум	**447 294**	**442 376**	**-4 918**	**98,9**
Сотилган маҳсулотлар таннархи	**402 441**	**348 564**	**-53 877**	**86,6**
Ялпи даромад	44 853	93 812	48 959	209,2
Давр харажатлари	26 944	28 371	1 427	105,3
Сотиш харажатлари	3 797	2 394	-1 403	63,0
Маъмурий харажтлар	11 212	12 656	1 444	112,9
Бошқа операцион харажатлар	3 797	2 394	-1 403	63,0
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	**455**	**15 941**	**15 486**	**3503,5**
Молиявий фаолият бўйича даромадлар	**1 200**	**6 901**	**5 701**	**575,1**
Молиявий фаолият бўйича харажатлар			0	
Фоизлар шаклидаги харажатлар		1 430	1 430	
Валюта курси фарқидан зарарлар	**941**	**3 080**	**2 139**	**327,3**
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	18 622	83 773	65 151	449,9
Фойда солиғи	**2 793**	**13 028**	**10 235**	**466,5**
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	15 829	70 680	54 851	446,5
Рентабеллик (тушумга нисбатан)	3,5	16,0	13	457,1

2026-йил 1-январь ҳолатига корхонанинг дебиторлик қарзи 56 731 млн.сўмни ташкил этди, шундан:

• хорижий давлатлар ва МДҲ давлатлари -10 839 млн. сўм;

• республика бўйича -47 892 млн.сўм;

Шундан идоралараро -43 348 млн.сўм.

Ўтган давр мобайнида дебиторлик қарздорликларни ундириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан, 14 та дебиторларга (жисмоний ва юридик шахсларга) суд олди талабномалари юборилди.

2025-йил 1-январь ҳолатига кредиторлик қарзлари 85 364 млн сўмни ташкил этди, шундан:

• хорижий етказиб берувчилар олдидаги - 49 595 млн.сўм

• республика бўйича - 35 769 млн.сўм;
шу жумладан идоралараро - 34 027 млн.сўм;

Корхонада ишловчи ходимлар бўйича маълумот:

Жами ходимлар сони 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра 408 нафарни ташкил этади. Улардан:

- АУП – 24 нафар
- Хизмат кўрсатувчи ходимлар – 35 нафар
- Мутахассислар – 36 нафар
- Техник ходимлар – 52 нафар
- Ишлаб чиқариш ходимлари – 261 нафар

Иш хақи фонди 36 778 млн.сўмни, ўртача иш ҳақи 7 млн. 511 минг.сўмни ташкил этди.

Ишлаб чиқарилган махсулот таннархини пасайтириш:

Белгиланган кўрсаткичлар ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплексига мувофиқ 2025 йилда таннархни 1 175,0 млн.сўмга иқтисод қилиш режалаштирилган бўлиб, 2025-йилнинг январь-декабрь ойларида 1 723,0 млн.сўмга таннархнинг камайтиришга эришилиб белгиланган режа иқтисод суммаси 147,0 фоизга бажарилди.

Бош директор: К.Н.Сотиболдиев